

Бўритегин, Тамгачхон Иброхим
(?-тахминан 1070)
(1040-1070)

Мовароуннахрдаги Гарбий корахонийлар хоконлиги асосчиси. Корахонийлардан. Отаси Наср ибн Али. Илок хокими (1017-1021). У ерда Бўритегин, амир ва малик унволари билан тангалар зарб эттирган. Корахоний бекларидан Алитегин туркманлар ёрдамида Мовароуннахрни босиб олган пайтда (1025) Иброхим ибн Наср унинг фарзандлари кўлига асир тушган. 1037 йилда асирликдан кочиб Хўжандни эгаллаган. Бирок, акаси, Фаргона хукмдори Мухаммад билан чикиша олмай, жанубга йўл олди ва 1038-йилда Амударё бўйи вилоятлари Хутталон, Вахш ва Чагониённи босиб олди. У ерда куч тўплаб Мовароуннахрни марказий худудларига бостириб кирган ва Кеш, Самаркандни эгаллаган(1040). Кўп вақт ўтмай у Мовароуннахрни ва Фаргонани ўзига бўйсундириб, мустакил сиёсат юрита бошлайди. Натижада корахонийлар икки мустакил давлатга ажралиб кетади: Бири пойтахти Боласогунда бўлган Шаркий корахонийлар, иккинчиси маркази Самаркандда бўлган Мовароуннахрдаги Корахонийлар давлати эди. Иброхим ибн Наср ўзини Тамгачхон деб эълон қилган ва мустакил давлат бирлашмаси - Гарбий корахонийлар хоконлигига асос солган. Бу галабалардан сўнг Иброхим Тамгач “бугрохон” унвонига сазовор бўлади. Иброхим ибн Наср 1041-1042 йилларда Бухорни эгаллаган. 1043-йилда Чагониённи газнавийлар, сўнгра бир оз вақтдан кейин салжукийлар босиб олган. Иброхим ибн Наср салжукийлар билан Термиз ва Балхга эгалик қилиш учун курашган. XI аср ўрталарида Шаркий хоконликни қамраб олган ўзаро жанжаллар, низолардан фойдаланиб Иброхим ибн Наср Фаргона, Шох, Исфижоб, Тароз ва ҳатто Корахонийларнинг Чу воҳасида жойлашган асосий пойтахти Боласогунни ҳам эгаллаб олган. Бирок, шунга қарамасдан у Самаркандни ўз пойтахтлигича қолдирган. Умрининг охирида фалаж бўлиб қолган Иброхим хокимиятни оғли Шамсумулққа топширган.

Тамгачхон Иброхим ўқимишли, ақлли ва тадбиркор хокон бўлган. Ўз сиёсатида уламоларга таяниб иш юритган. У Самаркандда тартиб-осойишталик ўрнатиш ва унинг ҳавфсизлигини таъминлаш тоғрисида алоҳида гамхўрлик қилган, оғрилик ва талончилик учун қаттиқ жазолаган. Қурилиш ишларига қатта эътибор берган. Масалан, 1066-йилда унинг буйруғи билан Қусам ибн Аббос макбарасига яқин жойда мадраса қурилган, шунингдек, Самаркандда қаср ҳам қурдирганлиги маълум.